ЎзССР Давлат китоб палатаси
290395

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

# Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1995 йил 21 март. Сешанба. № 23 (14275) ترکستان TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Юртимизга улуғ айём — Наврўзи олам кириб келмоқда.

Наврўз — баҳор ва гўзаллик байрами, ёшариш ва янгиланиш байрами.

Наврўз айёмини — табиат уйғонадиган ойни ўтмишда яшаган боболаримиз «Улуғ ой» ёки «Умид ойи» деб атаганлари катта маънога молик. Чунким, баҳор келиши билан баракали ва мўл ҳосил олиш учун янги меҳнат мавсуми бошланадиган бу ажиб даврда, нафақат табиат, балки инсон умидлари ҳам куртак очади, инсонлар дили покланади.

Наврўз қадим-қадимлардан халқимиз учун, диёримиз учун меҳру мурувват байрами бўлиб келган.

Бу улуғ айёмда бева-бечоранинг, етим-есирнинг ҳолидан хабар олиш, кўнгли яримларга таскин бериш — халқимизнинг энг буюк фазилатидир.

Бу улуғ айёмда эски гина ва аразлар унутилади, халқлар ва миллатлар жипслашади, ўзаро меҳру муҳаббат ҳукм суради, буюк ишларнинг режалари тузилади.

Халқимиз ибораси билан айтсак, ҳаёт — бизга худо ўлчаб берган омонат. Охир-оқибатни ўйлаб яшаган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Биламизки, бойлигу давлат келади-кетади, аммо комил инсонлардан яхшилик қолади, ном қолади, савобли ишлар қолади.

Бугун ҳар бир диёнатли инсон: «Юртимиз тинч, халқимиз тотув бўлсин. Ҳар бир оила мустаҳкам бўлсин, ҳар бир хонадон дастурхони тўкин-сочин бўлсин. Ҳар бир инсон бахтли-саодатли бўлсин», дея эзгу ният ва умидлар қилмоқда.

Ўзлигимизни англаб, миллий қадриятларимизни тиклаб, ота-бобомиздан мерос бўлиб қолган анъаналарни юксак кўтараётганимизнинг ҳам, олиб борилаётган халқчил сиёсатнинг ҳам маъно ва муддаоси аслида шу.

Ўзаро меҳру оқибатимиз кун сайин зиёда бўлиб, адолат қарор топса, поклик ва ҳалоллик одатга айланса — ана шундагина биз тилагимизга етамиз.

Бугунги улуғ айём кезларида яна бир фикрни баён этишга ижозат бергайсиз. Референдум — умухалқ овоз бериши арафасида одамларимиз турли жойларда бугунги сиёсатимизга ўз муносабатларини очиқ-ойдин билдирмоқдалар.

Халқимиз бугунги мураккаб ўтиш даврида, шунча қийинчилик, етишмовчилик ва бошқа оғир ташвишларга сабр-тоқат билан бардош бериб, ўз якдиллиги ва ҳамфикрлиги билан жаҳон жамоатчилигини ҳайратда қолдирмоқда.

Давлатимизнинг сиёсатига билдирилган ишонч ва хусусан, менинг шаънимга айтилган фикрларни ғоят юксак қадрлайман. Олижаноб халқимиз олдида бош эгиб таъзим қиламан. Ва бугунги муқаддас байрам онларида чин қалбимдан айтмоқчиман: бутун умримни, бутун борлиғимни, керак бўлганда жонимни ҳам сизларга, халқимга бахшида этишга тайёрман!

Азиз дўстлар!

Бу йилги Наврўзнинг ҳам юртимизга қадамлари қутлуғ келсин!

Юртимизни ёмон кўзлардан асрасин!

Ҳар бир хонадондан меҳру оқибат, бахту саодат ва тинчлик-тотувлик асло аримасин!

Қилаётган эзгу ишларимизда Оллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин!

# НАВРЎЗИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, ЮРТДОШЛАР!

## ҚУТЛОВ

*Шаҳару қишлоқларга, қиру адирларга, боғу бўстонларга баҳор сепини ёймоқда. Диллар табиат уйғонишининг оний лаҳзаларидан сархуш, яратиш, ҳалол меҳнат қилиш иштиёқига лиммо-лим. Кўклам кўнгилларга ҳам илоҳий насим етаклаб келмоқда.*

*Юртимиз Наврўзни тўртинчи маротаба истиқлол шарофатида кутиб олмоқда. Тарихимиз, қадриятларимиз, миллий урф-одатларимиз тикланмоқда. Дунё бизни, биз дунёни танимоқдамиз. Сахий табиат ҳам ўз саховатини элимиздан аямаяпти. Дастурхонимиз кун сайин тўкинлашиб, эртанги кунга бўлган ишончимиз ортиб бораётир. Зеро, истиқлолдан умидимиз катта. Чунки аждодларимиз орзу қилган келажак биз — ёшларнинг қўлидадир. Бундан биз фахрланишимиз, навқирон авлодни Ватанга, халқимизга садоқат руҳида тарбияламоғимиз даркор.*

*Наврўз ҳамма хонадонларга бахт-саодат, қувончу шодлик олиб келгани рост бўлсин!*

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ.



## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



20 март куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Халқаро валюта жамғармаси иккинчи Европа департаменти маслаҳатчиси Лейф Хенсенни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Халқаро валюта жамғармаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Б. Ҳамидов, республика Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов иштирок этди.

Учрашувда Халқаро валюта жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари И. Салкаи ҳозир бўлди.

(ЎзА).

## ХАЙРЛИ ИШЛАР МУҚАДДИМАСИ

Президент Ислом Каримовнинг илк Фармони эълон қилинганига яқинда беш йил тўлади. Эсланг, у нима ҳақда эди?

... Ўша куни — 25 мартда газеталар одатдагидек расмий материалларга тўлиб чиқди. Биринчи саҳифада Ислом Каримовнинг минбарда тушган сурати: у Ўзбекистоннинг биринчи Президенти сифатида қасамёд қилмоқда. Пастроқда — унинг Олий Кенгаш сессиясида Президент сифатида сўзлаган илк нутқи. Ҳамма ўзини газета дўконларига урган — Президентнинг нутқини ўқимоққа, ундан ўзича хулосалар чиқармоққа тиришган. Деярли барчанинг тилида бир савол — «Энди бу ёғи нима бўлади?» Сабабки, СССР деб аталмиш империя ҳали мустаҳкам, ҳали «марказ»нинг ҳам кўп ишларда қўли баланд. Унга ўзбекларнинг бу «ўзбошимчалиги» ёқмаслиги табиий. Айримлар шуларни ўйлаб ташвишда бўлса-да, кўпчилик хурсанд — «Энди ўз Президентимиз бор!...» Президентлик — уларга ўшанда ҳам республика мустақиллигининг тимсоли бўлиб кўринган бўлса, не ажаб.

Ўша кунлари кўпчилик Ўзбекистоннинг илк Президенти ҳақидаги хабарлар билан бўлиб, бошқа бир воқеани деярли сезмади: СССРнинг биринчи (кейин билсакки, охирги) Президенти Михаил Горбачёвнинг илк Фармонлари ҳам матбуотда эълон қилинган эди.

— Горбачёвнинг шу иши менга умуман ёқмади,— деди ҳамкасбларимдан бири.— Биринчи Фармони — Президент кенгашини тузиш ҳақида бўлибди. Ахир, бу янги политбюро дегани-ку! Бунча майдалашмаса бу Миша амаки.

— Энди Ислом Каримов нима қиларкан?— деди бошқа ҳамкасбимиз.— Унинг дастлабки Фармонлари нима ҳақда бўларкан?

— Нима ҳақда бўлишини билмайману, лекин Ислом Каримов Президент сифатидаги биринчи қадамини савобли ишдан бошлаши аниқ. Мана, кўрасизлар.

(Давоми 2-бетда)

*Дил сўзи*

## СЕНИНГ ВИСОЛИНГДАН ҚУВОНМАЙ НЕГА?!

*БУ ЙИЛ БАҲОР ҳар йилгига қараганда анча улуғворроқ, сурурбахшроқ бўлиб ташриф буюрди. Бунинг боиси бир қатор байрамларимиз қаторлашиб, қўл ушлашиб келганлигидан, келаётганлигидан бўлса ажаб эмас. Кўклам кайфияти ҳар дил, ҳар қалбда ғужғон уриб турган шу кунларда элимизнинг ардоқли фарзанди, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла ОРИПОВ билан учрашиб, у кишининг кўнгилларига қўл солиб кўрдик. Шоирнинг қуйидаги дил сўзларини байрам армуғони сифатида қабул этгайсизлар.*

— Яқинда Ўзбекистонимизнинг бир неча вилоятларида бўлиб, шаҳар ва қишлоқларни кезиб келдим. Баҳор бошланиб кетибди. Айниқса, жанубий вилоятларимизда йилнинг келиши катта баракадан дарак бериб турибди. Биргина қашқадарёликлар ютуқлари мисолида мамлакатимиз шахдам қадамларини аниқ ҳис қилиш мумкин. Адирлардаги кўм-кўк ғаллазорлар, Шўртангаз-у Кўкдумалоқдаги газ ва нефтимизнинг заҳиралари, у ерлардаги шижоатли меҳнат, булар барчаси кўзни қувонтиради, кўнгилга ишонч бағишлайди.

Маънавиятимиз ҳамда маърифатимиз ҳам моддий яратувчилик билан ҳамқадам гуруллаб ўсиш йўлига кирганлигига гувоҳ бўлдим. Маълумки, Президентимизнинг фармонига биноан Тошкент Давлат университетининг 75 йиллик юбилей тўйи кенг нишонланмоқда. Бу тантаналар вилоятларда ҳам давом этаётир. Шу йиғинларнинг кўпчилигида иштирок этдим. Халқимиз ўз маърифат масканини бошига кўтармоқда. Буларнинг барчаси эзгулик аломатларидир.

Гўзал ва мунис Ўзбекистонимизни ҳар сафар айланганимда гўё уни янгидан кашф этгандек бўламан. Бу дафъа ҳам худди шундай ҳислар оғушидаман. Ерининг усти ҳам, ости ҳам беқиёс неъматларга бой Ватанимиз гуллаб-яшнайверсин, меҳнаткаш, мушфиқ халқимизнинг боши ҳеч қачон байрамлардан чиқмасин.

*Токи тонг отгунчалик интиқ қилар қуёшни,*
*Қишнинг бели ёй каби букилгайдир бу юртда,*
*Болға билан бир урсанг, учраган ҳар бир тошни,*
*Олтин қуми шовиллаб тўкилгайдир бу юртда.*

СИРОЖИДДИН ёзиб олди.

## Улар Жиззахда «Туркистон»чилар билан Наврўзни нишонламоқдалар

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

### МУБОРАК КУНЛАР ШУКРОНАСИ

*Шукр, ўзинг тутдинг қўлимга қалам,*
*Ўзинг бердинг бугун тилимга калом.*
*Энди ўзинг қўлла, Яратган эгам,*
*Менга мадад бергин, Илоҳий илҳом!*

*Кўзимга ранглар бер, қулоққа оҳанг,*
*Ақлим ўғирлама, этмагил ночор.*
*Ахир, темирни ҳам кемиради занг,*
*Юракда борини айлайин изҳор!*

*Яхшиям, яратдинг Одам Атони,*
*Момо Ҳавомизни бердинг оламга.*
*Йўқса, тузатарди ким ҳам хатони,*
*Сендан буюк Маҳбуб борми одамга?!*

*Инсонга умидни сен этдинг ато,*
*Ниятни дилига тугдинг дуо, деб.*
*Қуёш борлигидан ёруғ бу дунё,*
*Зулматни қувади, яшар зиё, деб.*

*Одам бўлсин дея, бахш этдинг иймон,*
*Инсоф, диёнатга бошладинг бизни.*
*Битта юрак билан бердинг соф виждон,*
*Адашмай юрсин, деб, иккита кўзни...*

*Тил бериб ҳайвондан ажратган ҳам-Сен,*
*Ризқу насибамиз айлаб муҳайё.*
*Най билан жонимиз киритган ҳам — Сен,*
*Нақш этиб кўнгилга Муҳаббат, Вафо.*

*Булбулга чаману, инсонга Ватан —*
*Тирик жонлар учун яратдинг ошён.*
*Сут билан, қон билан—юрак, жон ва тан,*
*Сендан нажот излаб, умидвор жаҳон.*

*Азиз бандаларинг чин ихлос билан,*
*Нени сўрасалар, Сен кўрдинг раво.*
*Илон индан чиқди яхши сўз билан,*
*Дардни бериб, топдинг малҳаму даво.*

*«Беайб парвардигор», — дейди донолар,*
*Биз — бандаларинг, кечир, гуноҳимиз кўп.*
*Дунёда қилмадик не-не даъволар,*
*Чоғлаб ўзимизни осмонга, Маҳбуб.*

*Сувга тушган билан покланмас одам, —*
*Кўкракда эътиқод, иймон бўлмаса!*

*Милтиллаб турса ҳам нур таратар шам,*
*Асло ажабланманг дарё кўпирса...*

*Кўп ёлғон сўзладик, бугунни ўйлаб,*
*Едик нафс йўлида виждонимизни.*
*Ҳаром пиёлага билиб чўздик лаб,*
*Ҳамёнга алмашиб иймонимизни.*

*Ажрата олмадик яхши, ёмонни,*
*Дўстни ғаним дедик, ғанимни-чи, дўст.*
*Ҳалоллаб емадик бир парча нонни,*
*Бир қултум сувни-ю, тузни ҳам, афсус...*

*Миллат суриштирдик, танладик ирқни,*
*Наслу-насабларни ахтардик зимдан.*
*Унутдик Жанубу Шимол, Ғарб, Шарқни,*
*Айбдормиз ўзимиз — кўрамиз кимдан?!*

*Хонлар ҳам, беклар ҳам келару кетар,*
*Эл қолар, юрт қолар, қолар доно Халқ!*
*Одил тарих бир кун ўз ҳукмин битар,*
*Дунё сарҳисобли, сенга аён, Ҳақ!*

*Бизни дуо айла, паноҳингга ол,*
*Бало, қазолардан асрагил, Тангрим*
*Бизларга йўл кўрсат, кулсин истиқбол,*
*Сен билан барҳаёт борлиқ, тақдирим.*

*Уйим остонасин айла мукаррам,*
*Табаррук нуринг-ла покла дилимни.*
*Истиқлол чироғин ўчирма, Эгам,*
*Бағрингда ардоқла Ўзбек элимни!*

*Оллоҳ ишқи дилда, — меҳнатга пайваст,*
*Келажакни ўйлаб қадам ташлайлик.*
*Ватанни севмоқлик — иймондандир, рост,*
*Элим деб, юртим деб ёниб яшайлик!*

*Қишдан омон чиқдик, кулди гулбоҳор,*
*Кўклам суюнчисин сўраб турибди.*
*Наврўзимиз қутлаб, айтайлик алёр,*
*Кўкда ўз Эгаси қараб турибди.*

*Ассалому алайкум, эй ватандошлар,*
*Муборак кунларда кўришдик дийдор,*
*Мағрур, масрур бўлсин бу тилло бошлар,*
*Парвардигор ўзи бизга мададкор.*

*Яна наврўз келди, янги кун келди,*
*Янги кунинг қутлуғ бўлсин, юртдошим!*
*Озод бўлиб келди, эп-эркин келди,*
*Ёзил, кўнглинг ёруғ бўлсин, юртдошим!*

Бундай деб ёзишга ва хитоб қилишга асослар бор, азиз дўстларим! Чунки биз Наврўзни бугунгидай эмин-эркин маросим қилиб ўтказаётганимизга кўп бўлгани йўқ. Бу йил тўртинчи йили... Олдин йўқ эди... Унута бошлагандик Наврўзни... Тўғрироғи, унуттиришга уринишарди...

Нега шундай эди? Кимга халақит берарди Наврўз? Нимаси билан ва кимларга ёқмасди у? Ва умуман Наврўз қанақа байрам? Чиндан ҳам байраммми? — Бу саволларга жавоб бериш учун уни уч тарафдан ўрганишга ва англашга ҳаракат қилдим.

1.

Буюк қомусий олимимиз — худо раҳматини ёғдиргур — Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида шундай деб ёзади: «Ҳайит кунларининг баъзиси дунёвий ишлар учун, баъзиси, диний ишлар учун белгиланган. Дунёвийлари мукаррам ҳайитлар ва улуғ кунлар бўлиб, подшоҳлар, раислар шу кунларда маросимлар ўтказганлар... Диний ҳайитларга келсак, уларни шариат арбоблари ўтказганлар... ва улар охират учундир.

(Дунёвий ҳайитлар) фақирлар ҳаётининг танглигини кенгликка айлантирувчи, умидворларнинг орзуларини юзага чиқарувчи ва ҳалокатга яқинлашганларни хатар ва балодан қутқарувчи сабабларнинг бири бўлди. Подшоҳ ва амирлар баракот, бахт, яхшиликка эришиш йўлида олдингилардан ўрнак олиб, бу маросимлар учун йўл-йўриқлар туздилар».

Сўнг Беруний дунёвий ҳайитлар ичида биринчи бўлиб Наврўзни таърифлайди:

«Наврўз янги йилнинг биринчи куни бўлиб... баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунча, ҳайвонларда меҳр суви қўзғолишидан то насл вужудга келгунича ва ўсимлик униб чиқа бошлашидан такомиллашгунича давом этган вақтда келади. Шунинг учун оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган».

Улуғ алломамизнинг мазкур китобида яна бир муҳим маълумот бор. Келтирилган ривоятга кўра, Наврўз куни пайғамбаримиз — Муҳаммад алайҳиссаломга — ҳолва солинган кумуш жом ҳадя қилинган. Пайғамбаримиз, бу нима, деб сўраганларида, Наврўз шарқликларнинг улуғ ҳайити, шу муносабат билан сизга совға, деб жавоб бериб, Наврўзни таърифлаб беришган. Пайғамбар хожамиз: «Тўғри, Худо шу куни (Наврўзда) осмонга буюрган, осмон... ёмғир ёғдирган» деганлар-да, ҳолвани еганлар. Сўнг кумуш жомни; бир ўзларига мулк қилиб олиб қолишдан уялиб, парча-парча синдиртириб, суҳбатдошларига тақсимлаганлар ва: «Кошки биз учун ҳар кун Наврўз бўлса эди» деганлар.

Алишер Навоий ҳазратлари «Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунунг ўлсун Наврўз» мисрасини битганларида мазкур ҳадиси шарифдан истифода этганлари табиий ва шарафлидир.

Навоий ҳазратлари яна:

*Васли аро кўрдум, тенг эмиш бўйию сочи,*
*Тун-кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди чу Наврўз, —*

байтлари билан Наврўзда тун билан кун тенг келишини ҳам, яъни 21-22 мартда Наврўз бўлишини ҳам аниқ-тиниқ қилиб айтиб қўйганлар.

II

Энди энг яқин ўтмиш — 80-йилларга назар ташлайлик. Бу йилларда Марказ томонидан Исломга қарши курашнинг янги тўлқинлари бошлатиб юборилган эди. Китоблардан зўр бериб Худо сўзи жанозалар, ҳайитлар билан бир қаторда турли миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизни ҳам йўқ қилиш учун кўрсатма устига кўрсатма келиб, маҳаллий бошлиқларимизни зир югуртиришар эди. Шунда Наврўзнинг бошига ҳам бало-қазо келгандай бўлди. Озарбайжонда, Тожикистонда Наврўз тақвимларда қизил билан ажратиб кўрсатилган байрам эди. Бизда, негадир неча-неча минг-минг йиллардан бери Наврўз байрами ҳисобланган 21-22 мартни қандай бекор қилиш тўғрисида ўйлашарди. Муътабар бир ҳодисани йўқ қилиш учун унинг янгича муқобилини ўйлаб топиш керак деган ақида асосида 10 апрел Навбаҳор байрами этиб белгиланди. Аммо бу Ўзбекистон халқи томонидан қабул қилинмади. Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро томонларда фақат оддий халқ эмас, вилоят партия раҳбарлари ҳам 21-22 мартда Наврўзни нишонлашдан орқага чекинмадилар.

Энди мен Наврўз десам Ўзбекистон деган улкан бир жисмнинг керишиб ўрнидан тураётгани кўз олдимга келади. Бепоён далалар қир-адирлар, қийқириб «читти гул» айтиб ўнаётган болалар кўз олдимга келади.

Энди мен Наврўз десам катта-катта дошқозонлар узра сумалак шопираётган ва ё ҳалим пишираётган оқрўмолли бақувват-бақувват момолар кўз олдимга келади. Далаларга дон сочаётган норғул йигитлар ёнларида вафоли ёрлари билан кўз олдимга келади. Навқирон Берунийдай гала-гала йигитлар билан далада ишлаётган олимлару фозиллар кўз олдимга келади. Тоғ ёнбағирларида бойчечак, чучмома, қизғалдоқлар... жонланиб қолган қурт-қумурсқалар, қушлар, куртаклаётган, ниш отаётган дарахтлар... қулоғимга бир мавсумлик сукунатдан сўнг шудгорларда тариллаб бошлаган тракторларнинг овози келади.

Энди мен Наврўз десам маҳалла-маҳалла инсонларнинг умумий дастурхонлар узра гурунглашиб ўтиришлари, янги-янги аҳду паймонлари кўз олдимга келади. Маҳалла ва ҳокимият бошлиқларининг бева-бечоралар, етим-есирлар, ёлғиз кексалар, уруш ногиронларини иззат-икром қилаётганлари кўз олдимга келади. Ёш келинчакдай безанган кўҳлик шаҳар ва қишлоқлар кўз олдимга келади. Яхшилик, яхшиликнинг парвози, миллатимнинг жони яйраётгани кўз олдимга келади. Шукур, етказган кунингга шукур, Оллоҳим, дейман. Ва бу оламнинг янги куни қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар, дейман.

Миразиз АЪЗАМ.

*Уйғоқ сўз*

## ЯХШИЛИК ПАРВОЗИ

# ИЛОҲИ, ҲАР КУНИНГ НАВРЎЗ БЎЛСИН,

*Наврўздан Наврўзгача*

## БУ ҲАҚДА ЁЗГАН ЭДИК

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ: «Элтекс» ҳиссадорлик жамияти — Ўзбекистон - Туркия қўшма корхонаси ишга туширилди. У пахта толасидан хорижлик буюртмачилар учун маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаб юборди.

* * *

Устюрт саҳроси заминидан катта заҳирага эга табиий газ фаввораси топилди. Уни жиловлаш ва истеъмолга тайёрлаш бўйича дастлабки ишлар амалга оширилди.

* * *

Республиканинг жанубий туманлари Газли табиий газидан фойдаланишга ўтди. Бу қўшни давлатлардан хориж валютаси ҳисобига табиий газ харид қилишни тўхтатишга имкон берди.

* * *

Қўнғирот тумани ҳудудидан қимматбаҳо хомашё — кальцийли сода заҳираси топилди. Ундан фойдаланишни йўлга қўйиш чоралари кўрилди.

* * *

Беруний туманида Тахиатош электр энергияси шохобчасининг йирик бекати ишга туширилди. У Қорақалпоғистон жанубини электр энергияси билан таъминлашда янги босқич очди.

* * *

«Учқудуқ — Мискин — Султонвайстоғ» темир йўли қурилиши бошланди. Давлат аҳамятига эга бўладиган бу катта трассада дастлабки ишлар бошланди.

* * *

Хўжайлида шолипоядан қоғоз, шиша қолдиқларидан буюмлар ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар иш бошлади.

* * *

Қўнғиротда катта миқдорда карбид ишлаб чиқарадиган завод ишга тушди.

* * *

Беруний туманида «Қиётобод» номли даволаниш ҳамда ҳордиқ маскани фойдаланишга топширилди.

* * *

Элликқалъа туманида Тошкент ва Минск трактор заводларининг шохобчаси қурилиши бошланди.

* * *

Хўжайли туманида чой ўсимлиги экилиб, мўлжалдагидай ҳосил олинди.

* * *

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида Қорақалпоғистоннинг 15 та савдо уйи очилди.

* * *

«Халқобод» ва «Қозоқдарё» посёлкаларида ондатра терисидан кийим тикадиган корхоналар қурилиши бошланди.

* * *

Тўрткўл туманидаги «Шўрахон» жамоа хўжалигида қанд маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик корхона ишга туширилди.

*Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Туркистон» мухбири.*

# Халқ азиз билса бошига кўтаради

## ТУРЛИ СОҲА ХОДИМЛАРИНИНГ РЕФЕРЕНДУМ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИ

*Мамлакатимизда кечаётган ҳар бир кун тарих зарварақларига ёзилмоқда. Юртимиз фуқаролари қалбида яратиш, яшнатиш руҳи барқ уряпти. Дастурхонларимиз кундан-кун тўкин бўлиб, юртимизда тўйлар кетидан тўйлар давом этмоқда.*

*Юракларда баҳорий кайфиятлар ҳукмрон. Юртимиз бугун Наврўзни катта тантана қилаяпти. Саноқли кунлардан кейин мамлакатимиз фуқаролари республикамиз Президентининг ваколатини узайтиришга доир ўтказиладиган умумхалқ референдумида овоз беришида иштирок этадилар.*

## КЕЛАЖАГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Мен ўзимни чўл фарзанди деб ҳисоблайман. Мактабни ҳам шу ерда битирдим. Ҳозир институтнинг сиртқи бўлимида таълим олаяпман.

Айримлар «Яшаш оғир бўлиб кетди» деб нолиб қолишади. Мен уларнинг бундай фикрларига сираям қўшила олмайман. Яхши ишлаган инсон ҳеч қачон хор бўлмаган ва бўлмайди ҳам.

Тўғрисини айтганда, социалистик жамият айримларни ишёқмас қилиб қўйган. Буни тан олиш керак. «Кун ўтса бўлди» дейдиганлар учун қўл келадиган тузум эди-да. У даврлар энди ўтди. Юртимиз мустақилликка эришди. Чин дилдан меҳнат қиладиган ва билим эгаллайдиган дориламон кунларда яшаяпмиз. Энг муҳими — юртимизда осойишталик ҳукмрон бўлиб турибди. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтмаслик инсофдан эмас, албатта. У кишини мамлакатимиз истиқлолининг асосчиси ва ташкилотчиси сифатида ҳам қадрлаймиз. Биз қишлоқ хўжалиги ходимларига кўрсатилаётган ғамхўрликлардан ҳамиша миннатдормиз.

Мен ўйлайманки, 1995 йил 26 март куни ўтказиладиган референдумда Президентимиз ваколатини 2000-йилгача узайтиришга рози бўлиб овоз берсак, бахтли келажагимиз учун ҳам овоз берган бўламиз.

Баҳодир АБИРОВ,
Арнасой тумани,
иқтисодчи.

## ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖ

Рўйи заминда Президент тизими шаклланганига ҳам юз йилдан ошди. Маълумки, у даставвал 1887 йили Америкада қарор топган эди. Ўтган давр ичида шу тизимдаги қатор мамлакатларда турли муносабатлар бўйича бир неча референдумлар бўлиб ўтган. Кун тартибига қўйилган ва мамлакат миқёсидаги долзарб масалалар умумхалқ овоз бериши билан ҳал этилган.

Якшанба куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси умумхалқ референдумида ҳам шундай ҳаётий эҳтиёж ҳал этилади. Кўпчилик овози билан мамлакатнинг сайлов тизимидаги даврий хилма-хиллик барҳам топади. Бу ўз моҳиятига кўра катта сиёсий воқеадир.

Юртбошимизнинг мамлакат тараққиёти йўлидаги тинимсиз фаолиятини ҳар биримиз кўриб турибмиз. У кишининг саъй-ҳаракатлари мана шу юрт фаровонлиги учун, келажак авлоднинг порлоқ кунлари учун йўналтирилган.

Президент амалга ошираётган ишларни қўлламай бўладими? Бунинг барчаси савобли. Ниятимиз — референдумда «ҳа» деб жавоб беришдир.

Шокир НИЁЗОВ,
савдо ходими.

## ТАРТИБ, ДИН, ОИЛА, МУЛК

Ҳар қандай тузум, аввало, тартиб ва интизомни таъмин этса, халқларнинг аҳил ва тотув, осойишта яшаши учун шароит яратса, шубҳасиз, у гуллаб-яшнайди. Дин, оила, мулк ҳам жамият ҳаётида етакчи ўрин тутади. Чунки, бунда фуқаролар манфаати мужассамланган.

Ёдимда, саксонинчи йилларнинг охири, айни саратон палласи эди. Йўлим тушиб, Навоийга бордим. Кечқурун, салқин тушгач, мезбон:

— Бир чиқиб, хиёбонларни айланиб келсак бўлар эдию, кўча сал... — деди бироз хижолат тортиб. Сўнг қўшиб қўйди. — Гоҳо ишхонада ўтириб ҳам хаёлим уйда бўлади.

Чиндан ҳам ўша кезлари ҳар биримиз бироз безовталик билан кун кечирар эдик. Юртбошимиз мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ аввало, осойишталикни таъминлашга эътиборни қаратдики, биз бугун унинг тансиқ ва буюк неъматидан баҳраманд бўлиб турибмиз.

Илгари Ҳажга бориш деярли мумкин эмас, бу йўлларда сонсиз тўсиқлар мавжуд эди. Мана, ҳозир ҳар йили минглаб юртдошларимиз муборак Ҳаж фарзини ўтаб келишяпти. Оилага муносабатдаги ижобий кўриниш ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. «Соғлом авлод учун» нишонининг таъсис этилиши, шу номдаги жамғарма тузилиши, кўп болали оилаларга кўрсатилаётган алоҳида ғамхўрлик ва эътибор...

Ҳа, оила жамиятнинг кичик бир кўриниши. У қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик кўркамлашади. Мулк ва унинг хусусийлаштириш турмуш ва меҳнатга бўлган муносабатларга ислоҳотнинг олиб кириши муқаррардир. Бу борада бошланган эзгу ишлар ҳозирданоқ ўз самарасини кўрсатаяпти. Хайрли ишлар қилиняпти, ислоҳотлар изчил амалга оширилиши учун аввало якдиллик, фидойилик талаб этилади. Шу маънода Президент ваколатини 2000 йилгача узайтириш айни муддао, менимча. Бўлажак референдум Олий Мажлис депутатлари билан давлат раҳбари ваколати муддатлари ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиб қолмасдан, ўйлайманки, ислоҳотларни изчил давом эттиришга ҳам замин яратади. Унинг самараси эса эртанги кунимиз даражасини белгилайди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар ҳар бир фуқарони хушнуд этмоқда. Шундай экан, ҳеч шубҳасиз биз ҳам Президент ваколати узайтирилишини ёқлаб овоз берамиз.

Аҳмад АҲРОРОВ,
ишчи.

# ХАЙРЛИ ИШЛАР МУҚАДДИМАСИ

(Боши 1-бетда)

Журналист дўстимизнинг кўнглидаги бу комил ишонч қаердан пайдо бўлди, ҳозир аниқ айтолмайман. Балки И. Каримов 1989 йилнинг ёзида Ўзбекистон раҳбари этиб сайлангандан сўнг ўтган қисқа вақт ичида юртимизда бошланган хайрли ишлар — қишлоқ аҳлига томорқа учун ер ажратилиши, «оқ олтин» якка ҳокимлигига чек қўйиш учун ташланган илк қадамлар, ўқувчи ва талабаларнинг пахта термидан озод қилиниши — уни шундай дейишга ундагандир. Балки, у И. Каримовнинг Президент сифатидаги илк нутқини ўқиб, шунчалик дадил гапиргандир. Мана, ўша тарихий нутқдан айрим сатрлар:

«Ўзбекистон Президенти сифатида ўзимнинг асосий вазифаларим нималардан иборат деб биламан?

1. Ўзбекистоннинг сиёсий мустақиллигини мустаҳкамалаш ва янада такомиллаштириш, уни янги ва ҳаётий мазмун билан бойитиш.

2. ... Республиканинг иқтисодий мустақиллигини, ўз-ўзини идора қилишга ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтишини амалга ошириш.

3. Меҳнаткашларнинг, аҳолининг барча табақалари фаровонлигини ошириш, одамларнинг талаб-эхтиёжларини қондириш, ижтимоий соҳани тез суръатлар билан ривожлантириш...

4. Президент фаолиятининг... муҳим вазифаларидан бири халқни маънавий юксалтириш, инсоннинг аҳлоқий ва жисмоний такомилидир...»

Буларни эса «Миллий-ижтимоий тараққиёт йўлида барча соғлом кучларни бирлаштирибгина ҳал қилиш мумкин».

Ва Ислом Каримов барча соғлом кучларни ўз вақтида бирлаштирди. Мамлакатимизни таҳдид солиб турган фуқаролар низосидан сақлаб қолди. Уни дунёнинг энг тинч ва осойишта мамлакатларидан бирига айлантирди.

Бугун — орадан беш йил ўтгач, ўша тарихий кунда Президент улусга ваъда бериб айтган ва ният қилган ишларнинг деярли барчаси амалга ошганлигини ва ошаётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Халқда, ниятингга яраша бўласан. Улуғ инсонни эса улуғ орзулар рўёбга чиқаради деган ибратли калом бор.

Ўзбекистон Президентининг илк фармонлари ҳам ана шундай — улуғ орзулар йўлидаги биринчи қадамлар бўлди.

... Ҳамкасб журналистларнинг ўзаро суҳбатидан сўнг кўп ўтмади — 1990 йилнинг 4 майида Ислом Каримовнинг илк Фармонлари матбуот юзини кўрди ва, не тонгки, қаламкаш дўстимиз ҳақ бўлиб чиқди. Ўзбекистон Президентининг илк Фармонлари, ҳақиқатан ҳам, савобли ишлар ҳақида эди. Уларнинг биринчиси «Кўп болали оналарга нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисида» бўлса, иккинчиси яқиндагина ўтган «Наврўз» байрами якунларига бағишланган эди.

Энг болажон, энг оилапарвар халқнинг Президенти бошқача йўл тутиши мумкинмиди? Ўшанда И. Каримов ўзининг илк Фармони билан серфарзанд оналарга берилаётган нафақа миқдорини бир йўла икки баравар оширди. Бундай қадам балки бугун, Ватанимиз ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан мустақилликка эришгач, унчалик дадил иш бўлиб туюлмас. Аммо, ҳали марказ зуғуми баланд бўлган ўша кунларни эсласак, ўзбек аёлларига «Ўзбошимчалик» билан кўрсатилган бундай ғамхўрлик республика раҳбарига жуда қимматга тушиши мумкин эди. Аммо ўзинг дадил ва ишингга пишиқ бўлсанг, рақибинг ҳам ҳурматингни жойига қўйишга мажбур.

Умуман камхарж оилалар, етим-есирлар, пенсионеру ногиронлар — нуфуснинг кўмакка муҳтож қисми — кучли ижтимоий ҳимоя кейинчалик ҳам Президентнинг доимий диққат марказида бўлиб қолди. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини белгилаб берган машҳур беш тамойилдан бири шу муаммога бағишланганлиги ҳам бежиз эмас. Зотан, мамлакатимизнинг илк олий нишонларидан бири ҳам «Соғлом авлод учун» ордени деб аталди.

Баҳор келинчаги — «Наврўз» оламга сепини ёйган бугунги шодиёна кунларда Президентимизнинг иккинчи рақамли Фармонини эсламаслик — адолатсизлик. Ахир, куни кеча эмасмиди, «Наврўз»нинг диний байрам, бидъат деб аталгани, таъқиқлангани. Сумалак тўла қозонлар ағдарилиб, «Наврўз»га бағишланган асарлар кутубхоналардан териб олингани, муаллифлари «хатга тушгани». Бундан олти-етти йил бурун «Наврўз» бугунгидек умумхалқ байрамига айланишини ким ҳам ўйлабди, дейсиз. Бироқ, шукрки, бугун шундай. Нафақат мол-мулк, маош, маблағу хомашё, ҳатто байрам ҳам «марказ»дан белгилаб бериладиган замонларда унинг юртбошимиз томонидан расман умумхалқ байрами деб эълон этилиб, дам олиш куни сифатида белгиланиши — барчамиз фахрлансак арзийдиган иш. Энди юртимизда кечаётган шодиёналарни кўриб, ўйлайсан киши: ахир «Наврўз»ни фақат ўзбекларнинг эмас, сал кам юз эллик миллатнинг — бутун Ўзбекистон халқининг қутлуғ байрамига айлантирса бўларкан-ку! «Наврўз» баҳона шунча халқни бирлаштириш, дўстлаштириш, иноқлаштириш, уларга чексиз қувончу шодлик бахш этиш мумкин экан-ку. Юртнинг ёшу қарисини, эркагу аёлини покликка, ҳалолликка, меҳр-мурувватли, адолатли, шафқатли бўлишга чорлаб, уларнинг дуосини олиш мумкин экан-ку! Ҳа, мумкин! Фақат элнинг бошида дадил ва омилкор раҳбар турса!..

Йиллар ўтади. Муаррихлар биз яшаётган ушбу мураккаб даврни синчиклаб ўрганадилар. Турли баҳс-мунозаралар бўлади. Аммо улар бир фикр бобида якдил бўладилар.

Ислом Каримов ўзининг Президентлик фаолиятини яхши ният билан жуда хайрли ишлардан бошлади ва шу йўлда собит қолди.

Қулман ОЧИЛ.
(ЎзА).

*Армуғон*

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ «НАВРЎЗ» ТРОЛЛЕЙБУСИ

## ПОЙТАХТ КЎЧАЛАРИДА ҚАТНАЙ БОШЛАДИ.

- «Авиаль» қўшма корхонаси
- Ҳозирча троллейбус йиғилмоқда
- У 170 от кучига эга

Ўлкамизга кириб келган Ҳамал ойи билан бирга Ўзбекистоннинг ўз троллейбуси ишлаб чиқарилганлиги ҳақидаги қувончли хабар ҳам тарқалди, бу ҳақда илгари ҳам сизни хабардор этгандик. Унинг номи «Наврўз». Хўш, у қандай юзага келди?

1994 йилда Россиянинг Энгельс шаҳрида жойлашган троллейбус ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти раҳбари ва бош конструктори билан «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси раҳбарлари ўртасидаги учрашув Ватанимиз об-ҳавосига мослашган янги турдаги 20 та троллейбусни Тошкентга келтириш бўйича шартнома тузишдан бошланди. Бу троллейбусларнинг қулайлиги шундан иборат эдики, у 176 ўрнига 250 йўловчини ташиши мумкин. Тортиш кучи ҳам 150 ўрнига 170 от кучига эга. Бундан ташқари янги троллейбуснинг ойналари тепа қисмидан очиладиган бўлгани сабабли ҳаво алмашинуви яхшиланган, ойналар ҳам жигаррангда, яъни қуёшнинг ультрабинафша нурларини тутиб қолади. Шунингдек, ҳайдовчига ҳам бир қанча қулайликлар яратилган, ёзда айниқса, қуёш тўғридан-тўғри ҳайдовчини иситмаслигининг олди олинган ва бошқа қатор қулайликлар яратилган. Бу троллейбус Тошкент шаҳрининг энг узоқ ҳисобланган Сирғали — Чилонзор йўналишида синовдан ўтказилди. Ниҳоят ҳозир бу троллейбусларнинг шартномада кўрсатилган 20 донаси ҳам келтирилган.

Барчага маълумки, тайёр троллейбусни четдан келтириш жуда қимматга тушади. Троллейбус олмасликнинг эса сира иложи йўқ. Чунки, йўловчилар кўп. «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси раҳбарлари 243-авиатаъмирлаш корхонаси билан бир тўхтамга келишди. Қандай қилиб бўлсада, троллейбусларни Ўзбекистонда тайёрлаш. Бунинг учун юқорида кўрсатилган икки ташкилот ва Россиянинг Энгельс шаҳридаги троллейбус корхонаси ўртасида шартнома имзоланди. Натижада 243-авиатаъмирлаш корхонаси қошида «Авиаль» кичик қўшма корхона ташкил топди.

Кичик корхонанинг йўналиши тўрт босқичда олиб бориляпти.

Биринчиси: Россиядан юборилган троллейбус қисмларини йиғиш ва янги «Наврўз»ни бунёдга келтириш. Шунингдек, зарур ишлаб чиқариш бинолари ва асбоб-ускуналарни қуриш, ўрнатиш ҳамда троллейбусга зарур бўлган эҳтиёт қисмларни тайёрлаш, троллейбусларга техник хизмат кўрсатиш кабилар.

Шундай қилиб, узоқ Волга бўйидан Ватанимиз пойтахтига троллейбус қисмлари юборила бошланди. Етиб келган бу қисмлар «Авиаль»да йиғилди ва баъзи конструкторлик ўзгаришлари киритилиб, янги «Наврўз» троллейбуси тайёрланди. Келажакда бу кичик корхонада нафақат троллейбусни йиғиш, балки 80 фоизгача асосий қисмлар ва зарур ашёларнинг барчасини шу ерда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, эҳтиёт қисмлар тайёрлашни кўпайтириш ва бошқа ишлар режалаштирилган.

1995 йилда юз дона «Наврўз» троллейбуси ишлаб чиқарилади. Келгуси йили эса 200 дона. Ана шу билан йўловчиларнинг талабини нафақат пойтахтимизда, балки республикамиздаги мавжуд троллейбус юрадиган шаҳарларда ҳам тугатиш мумкин бўлади. Яна шуни ҳам алоҳида айтиш керакки, Ўзбекистон троллейбусларига ҳозирданоқ Чимкент ва Бешкек шаҳарларидан харидорлар буюртма беришмоқда. Келажакда Тошкент Марказий Осиёдаги давлатларни ва бошқа қўшни мамлакатларни арзон ва ёқилғисиз электр транспорти воситалари билан таъминлайдиган марказ бўлиб қолиши шубҳасиздир. Чунки, «Наврўз» троллейбуси ҳозирнинг ўзидаёқ танилди.

Шундай қилиб, мамлакатимиз аҳлини ҳам қутлуғ байрам билан, ҳам «Наврўз» троллейбуслари билан чин қалбдан қутлашга муяссармиз. Олд қисмида лотин алифбосида «Наврўз» дея ёзилган иккита троллейбус ҳозир синовдан ўтмоқда. 21 март куни бу троллейбуслар йўловчиларга хизмат қилади.

Тўлқин ЁРҚУЛОВ,
«Туркистон» мухбири.

# ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ЯКУНЛАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тарғибот маркази халқаро мукофотлар қўмитаси Наврўз байрами арафасида қуйидаги муаллифларни 1994 йилги мукофотларга лойиқ деб топди.

### ХАЛҚАРО ҚОШҒАРИЙ МУКОФОТИ:

*Маҳмет ДЎҒОН*га (Туркия) «Буюк туркча сўзлик» китоби, *Тўлапберген ҚАИПБЕРГЕНОВ*га (Ўзбекистон) «Қорақалпоқнома» асари, *Чиғатой КЎЧАР*га (Олмония) «Туркистон ила илгили мақолалар» китоби учун берилди.

### ХАЛҚАРО ЯССАВИЙ МУКОФОТИ:

*Нурали ҚОБУЛ*га (Ўзбекистон) «Ватандин яхши ёр ўлмас» мақола ва ҳикоялар тўплами, *Муҳаммад АЛИ*га (Ўзбекистон) «Ошиқ бўлмай ҳақ дийдорин кўрса бўлмас» китоби ва *Илҳом ҒАНИ*га (Ўзбекистон) «Ишқ тумори», «Эътиқод, ижод», «Руҳий гўзаллик қисмати» китоблари учун берилди.

### ХАЛҚАРО ЧЎЛПОН МУКОФОТИ:

*Ҳусайн ЎЗБОЙ*га (Туркия) «Чўлпоннинг шеърлари» таржима ва тадқиқоти, *Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ*га (Ўзбекистон) «Сен ёнмасанг, мен ёнмасам» мақолалар китоби, *Тўлан НИЗОМ*га (Ўзбекистон) «Чўлпон», «Акс садо» шеърий мажмуалари учун берилди.

***Халқаро танлов давом этади. 1995 йил танлови учун асарлар 1996 йил 1 февралгача қабул қилинади.***

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент — 700017.
Ж. Неру кўчаси,
1-уй.

*Қанотли хабар*

## ЁШ ИЖОДКОРЛАР ТАНЛОВИ

Наврўз арафасида Косон тумани Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг ташаббуси билан туманда ёш ижодкорлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда 50 дан ортиқ ёш қалам соҳиблари иштирок этишди.

Кўрик-танлов якунига кўра ўқитувчи Қосим Сабриддинов биринчи, тумандаги Ҳалима қишлоғида яшовчи Раҳима Адирова иккинчи, Пўлати ва Губалак қишлоқларида яшовчи, мактаб ўқувчилари Лобар Бегалиева ва Ризамат Бекназаровлар учинчи ўринни эгаллашди. Шунингдек, Мансур Ботиров, Нилуфар Жўраева, Хадича Қўзибоева, Гулчирой Қиличева, Қундуз Нурматова каби ёш қалам соҳибларининг ёзган шеър ва ҳикоялари, чизган расмлари ҳайъат аъзолари томонидан қониқарли деб қайд қилиб ўтилди.

А. САМАРИДДИНОВ,
«Туркистон» мухбири.



«Рошидон» кичик корхонаси оператори Иброҳимжон Раҳматуллаев иш устида.

*Арафа қувончлари*

## ХУСУСИЙ ТЕЛЕМИНОРА

Наврўз арафасида Гулистон шаҳридаги тўртинчи мавзеда янги телеминора фаолият кўрсата бошлади. Тажрибали муҳандис Аъзам Усмоновнинг бу тадбиркорлиги сирдарёликларни хушнуд этмоқда.

Муҳлислар икки соатлик маҳаллий кўрсатувдан сўнг, ўн олти соат мобайнида Олмония, Амриқо ва Малайзия сингари саккизта хорижий давлатнинг теледастурлари билан танишяптилар.

Ҳозирча 25 километр атрофида телекўрсатувлар тўлқинларини тарқатаётган минорада кейинчалик ўн иккита хорижий давлат дастурини намойиш этиш режалаштирилган.

## ЎҚУВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Мирзаобод туманидаги Фозил Йўлдош ўғли номли 17-ўрта мактаб маъмурияти Наврўзи олам арафасида ўқувчиларга ажойиб қулайлик яратиб берди. Энди улар соч олдириш, пойафзал таъмирлаш ва суратга тушиш учун шаҳар айланиб юришмайди. Наврўз арафасида билим масканида сартарошхона, суратхона ва пойафзал таъмирлаш устахоналари ҳам ташкил этилди. Буларни эса мактаб ўқитувчиси Шамсиддин Тошбеков бемалол уддаламоқда. Маиший хизматлар ҳақи жуда арзон. Шу боис ҳам мижозлар сони кун сайин ошиб бормоқда.

Лайло НАЖМУЛЛО,
«Туркистон» мухбири.

# 25 УСТУН

*Мулк эгаси билан гўзал*

## МАШИНАЛАР СОТИЛДИ

Республика кўчмас мулк биржасининг Сирдарё вилоят бўлими Гулистон шаҳрида ўтказган ким ошди савдосига турли русумдаги 14 та юк автомобили қўйилди.

Бошланғич нархи 107 минг сўм бўлган транспорт воситалари жами 140 минг сўмга сотилди.

## ФАРҒОНАДА КИМОШДИ САВДОСИ

Фарғона шаҳрида ўтган навбатдаги кимошди савдосига шаҳар худудидаги кичик ер майдони ҳамда «Фарғона» меҳмонхонаси қўйилди. Бошланғич баҳоси 6318 сўм бўлган ер майдони 9,5 минг сўмга, 1,5 миллион сўмга бахоланган меҳмонхона эса 10 миллион сўмга харид қилинди.

*Мана шунақа гаплар*

## ҲАМ ТЎЙ, ҲАМ АЗА

Нижний новгородлик Макеевлар хонадонида уч ойлик Наташанинг туғилган куни яхшигина нишонланди. Туғилган куни муносабати билан қизалоққа совғалар берилиб, суратга туширишди. Кечқурун меҳмонларни кузатиш учун соҳиба кўчага чиқиб кетгач, ота қизчаси билан қолди. Бироз вақтдан сўнг томоғи қуруқшаган ота томоғини ҳўллаш ниятида пивохонага тушиб кетди. У пиво ичиб ўтириб, пивохонадан ўз уйи деразасидан тутун чиқаётганлигини кўриб қолди. Тутун бир зумда алангага айланди. Ҳамма шошди. Лекин на ўт ўчирувчилар, на ота қизалоқни қутқариб қололмади.

## ЯШАВОР ЎҒИЛ

Қозоғистоннинг Уст-Каменогорск шаҳрида яшовчи ўн уч яшар бола ўзидан қобилиятли акушер чиқишини қойилмақом қилиб исботлади. Рома Сидоров ўз онаси Галинага тўлғоқ пайтида энагалик қилди.

Ҳаммаси кўнгилдагидек кечди. Унинг 3 килограмм вазнда туғилган укасига Лева деб исм қўйишди. Шуниси қизиқки, Галина Сидорова врачлар ёрдамидан ўз ихтиёри билан воз кечган эди. «Мен врачларга ишонмайман, ҳаммасини катта ўғлим уддалайди», — деган эди у. Гувоҳи бўлганингиздек у адашмаган экан.

# «Туркистон»чилар Наврўзни Жиззах вилояти меҳнаткашлари билан нишонлашмоқда



## ВА НИҲОЯТ

*Қувонч ҳам қўша келади деганларидек, бир неча кунки, мамлакатимизнинг ҳамма бурчакларида Наврўз шодиёнаси давом этмоқда. Биз газетамизнинг ўтган сонида хабар берганимиздек, «Туркистон»чиларнинг ҳам бир гуруҳи Наврўз тантаналарини жиззахлик меҳнаткашлар билан биргаликда ўтказишмоқда.*

*Куни кеча ижодий жамоамиз Зафаробод туманида бўлиб, туман халқи билан дилдан мулоқотлар қилишди. Бу мулоқотларда севимли шоирларимиз Нормурод Нарзуллаев, Йўлдош Эшбек, Миразиз Аъзам, ёзувчи Ҳожиакбар Шайхов ва яна бир қанча ёш ижодкорларнинг шеърлари зафарободликларнинг олқишларига сазовор бўлди. Шунингдек, Муҳиддин Қориёқубов номли ўзбек давлат филармониясининг. «Зарафшон» ансамбли яккахон хонандалари Замира Номозова, Рустам Абдуллаевларнинг қўшиқлари дилларни сел қилди. Шерали Ҳожиев бошлиқ «Мўтти» гуруҳи ижодкорларининг чиқишлари, ичакузди ҳангомалари ҳам байрам кайфиятига янада кўтаринкилик бағишлади.*

*Бугун эса ижодий жамоамиз Дўстлик туманидаги байрам шодиёналарида иштирок этишмоқда. Биз байрам таассуротлари ҳақида газетамизнинг кейинги сонларидан бирида сиз — азиз муштарийларимизга батафсил ҳикоя қиламиз.*

## ЗАФАРЛАРИМИЗНИНГ БОИСИ АҲИЛЛИГИМИЗДА

Зафаробод туманида Наврўз ҳар йили катта тантаналар билан нишонланади. Халқимизнинг миллий ўйини — кўпкари, тошкентлик санъаткорларнинг чиқиши, анъанага айланаётган «Туркистон»чиларнинг туман аҳли билан учрашуви байрам кунини ғоят безайди. Хўжаликлар ва ташкилотларнинг павилйон ва ўтовларида миллий таомлари, моҳир қўлларнинг ижодий ишлари, гуллар ва қушлар кўргазмалари ўтказилиб, ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантирилади. Кейинги вақтларда бир қанча зафарободлик спортчилар вилоят ва республика мусобақаларида қувончли натижаларга эришдилар. Байрамда улар ҳам ўз ҳунарларини намойиш этадилар. Байрам арафасида туман газетасида туман ҳокими Собиржон Абдусатторовнинг хўжалик ва ташкилот раҳбарларига, қишлоқ фуқаролари йиғинлари раисларига, маҳаллалар оқсоқолларига ва туманнинг барча аҳлига мурожаати эълон қилинди. Унга кўра озодалик ва ободонлаштириш бўйича зарбдор 10 кунлик эълон қилиниб, бу тадбирда кексаю-ёш сидқидилдан қатнашди. Бу бежиз эмас. Ҳар йили вилоят бўйича шунақа кўрикларда зафарободликлар етакчи ўринларни эгаллашади.

Байрам халқнинг шодлиги, қувончи, тўкин-сочинлиги билан кишиларга кўтаринки руҳ бағишлайди. Бўлғуси йил деҳқончилигига сафарбор этади. 1994 йил барча соҳаларда ишлаб чиқариш режаларини ошириб бажарган зафарободликлар учун бу Наврўз икки ҳисса қувончлидир. Негаки, Наврўздан Наврўзгача жуда кўп қурилиш ишлари амалга оширилди. Замонавий авто бош бекат йилига 5 миллион дона ғишт ишлаб чиқарадиган завод, Туркия технологияси асосида ишловчи нон заводи, Хитой технологияси билан жиҳозланган ёғ-мой корхоналари ишга туширилди. Шунингдек, марказий дорихона, тикувчилик-тўқувчилик каби корхоналарнинг ишга топширилиши кўплаб ёшларни иш билан таъминлади.

Миллий услубдаги чойхона битиш арафасида. Ҳаммом, 1200 ўринли мактаб бинолари тезкорлик билан қуриляпти. Туман маркази кун сайин гўзаллашиб, миллий, замонавий бинолар қад ростламоқда. Кўча ва хиёбонларга гул, терак экиш қизғин. 18 март куни ўтказилган шанбаликда бу ишлар янада кенг миқёс олди.

Кам таъминланган оилалар, ногиронлар, кўнгли ярим болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш кенг кўлам касб этган. 6 нафар ногирон болага аравача, 1 нафар хастага кресло-коляска, 3 нафар кишига бепул тиш қўйиб берилди. Жами 133 муҳтож оилага ёрдам кўрсатилди. 4 нафар ёлғиз қария доимий бепул озиқ-овқат билан таъминланяпти.

Байрам билан бир қаторда юртбошимиз ваколатини узайтириш учун бўладиган умумхалқ референдумига ҳам қизғин тайёргарлик кўриляпти. Жойларда халқ талаби билан ўтказилаётган митингларда кишилар Президент И. Каримов олиб бораётган сиёсатни бир овоздан қўллаб-қувватлашни айтмоқдалар. Шу тахлит Зафарободга Наврўз билан референдум бир-бири билан уланиб, кишилар кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшмоқда.

Аҳмад БОЛИБЕКОВ
Зафаробод тумани «Ғалаба» газетаси бош муҳаррири.

Йўлдош ЭШБЕК

## ОППОҚ КУЛГУЛАРИНГ ИНСИН, ЭЙ ДАРАХТ!

### ЯШИЛ ҚИРҒОҚ

*Осмон тўнтарилиб, бўлиниб борар,*
*Кулранг булутларнинг оралари оқ,*
*Дарёнинг даҳшати юракни ёрар,*
*Менинг жоним сенга, эй яшил қирғоқ!*

*Болакай, сен менга қарама ҳайрон,*
*Ўшқирган дарёга мардонавор боқ.*
*Мушт бўлмас бармоғин сиқмаса инсон!*
*Менинг жоним сенга, эй яшил қирғоқ!*

*Паришон бўлмасин бармоқларинг ҳеч,*
*Кўзингда шиддатнинг излари — мунчоқ.*
*Мен ҳам қараганман ҳайрон эрта-кеч.*
*Менинг жоним сенга, эй яшил қирғоқ!*

*Тўлқинлар кўтариб уради пастга,*
*Тўлдирар кўзимни юлдузлар бодроқ,*
*Бақувват илдизлар илинмас дастга,*
*Менинг жоним сенга, эй яшил қирғоқ!*

*Наҳанглар қаноти қиличдан кескир,*
*Қўрқинчи кўнгилни қилади яйдоқ,*
*Қирғоқ, боламга боқ, майсамни ўстир,*
*Менинг жоним сенга, эй яшил қирғоқ!*

*Қўрқувлар ороми тушсин қонима,*
*Онима оромлар қўрқуви байроқ.*
*Иккимизни яратганга жонима!*
*Ва жоним сенгадир, эй яшил қирғоқ!*

### ХОТИРА

Т. Жўра хотирасига

*Бу боғ кулиб турар, жилмайиб турар,*
*Жилва қилар унда шуълалар турфа.*
*Арикча ўтади боғдан бидирлаб,*
*Рангин капалаклар югурар.*
*Димоққа урилар муаттар ҳаво,*
*Эпкинлар хўрсиниб қўяди гоҳо,*

*Боғ секин силкинар — нонидир туяр,*
*Кимдир ўкраяди, ким қовоқ уяр.*
*У қўмсаб қолгандир азиз соҳибин*
*Шуъладай меҳрибон бармоқларини,*
*Яширмоқ бўлар у пинҳон оҳини,*
*Ошириб қўяди титроқларини.*

### ҚИЗҒАЛДОҚ

*Шабнамдан тақиб балдоқ,*
*Ёқиб борар ол чироқ.*
*Чақиб борар қўнғироқ,*
*Адрларда қизғалдоқ,*

*Чопиб борар сўқмоқлар,*
*қўл чўзар қиру тоғлар,*
*қизғалдоқ куйлаб борар,*
*қизариб қолар томлар,*

*нурли қизғалдоқ лаби,*
*ўзи ҳам балдоқ каби,*
*саҳроларни қувлайди,*
*нозикдир жуда таъби...*

### МЕН САФО ИСТАЙМАН

*Сен сафо*
*истайсан ўрик гуллари,*
*қилажаксан бир фасл наво,*
*ҳавога урилар само нурлари,*
*кўринмас пичоқлар жарангги — ҳаво...*
*симириб яшайсан,*
*нурлайсан танни,*
*қонлайсан вужудни —*
*азиз Ватанни,*
*силкиниб куласан,*
*ёқутлар каби,*
*табассум қиласан,*
*тиллодан лабинг,*
*дилдираб қарайман,*
*қарайман карахт,*
*оппоқ кулгуларинг қани эй, дарахт,*
*эй, ўрик кулгунгдан қачон бўлгум маст,*
*мен сафо истайман, айш-ишрат эмас!*

*Байрам олдидан*

## ШАҲАРНИНГ ҚАДИМИЙ БЎЛАГИ

Самарқандда Сиёбни шундай дейишади. Наврўз арафасида бу туманда кўпгина ибратомуз ишлар амалга оширилмоқда. Туман аҳолиси меҳнат қилишни ҳам, тантаналар ўтказишни ҳам қойиллатишади. Бултурнинг ўзида туман ҳудудида М. Улуғбекнинг 600, уста Умар Жўрақуловнинг 100, «Шарқ» маҳалласининг 150 йиллик юбилейлари ўтказилди. Маърифатпарвар шоир Ориф Гулханий уй музейи очилди. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 120 йиллиги олдидан қатор тантаналар ўтказилди.

Шуниси аҳамиятлики, кам даромадли оилалар ва ёлғиз қариялар учун иккита махсус дўкон ва бепул хизмат кўрсатадиган ошхона ишлаб турибди. «Соғлом авлод учун» республика хайрия жамғармасининг дори-дармон тарқатувчи маркази ҳам биринчи бўлиб Сиёбда очилди. Дориларнинг маълум қисми бепул, арзонлаштирилган нархда сотилмоқда.

Яна бир ажойиб ташаббусни айтмасак бўлмас, барча меҳнат жамоаларида ишловчи хотин-қизларнинг иш вақти 2 соатга камайтирилган. Бу ҳақда туман ҳокимининг махсус қарори чиққан. Оналар ишдан чиқиб, уй-рўзғор ишларига бемалол улгуришларига имконият яратилган. Қанийди, бошқа жойларда ҳам ана шундай бўлса. Оналаримизнинг фақат дуоларини олардик.

Г. АЛИБОЕВА
«Туркистон»нинг ўз мухбири



Данагидан мағзи ширин. А. ТЎРАЕВ сурат лавҳаси

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

- Бу тонгда яшар муҳаббат рамзи
- Машҳур шарҳловчининг мавсумолди шарҳи

*Газета саҳифаланаётганда:*

## НАВРЎЗ АРАФАСИДАГИ БОКС БАЙРАМИ

Тошкентдаги «Алпомиш» спорт саройида профессионал боксчилар ўртасида биринчи республика чемпионати бўлди.

— Мамлакатимизда профессионал бокс федерациясини тузиш ва профессионал боксчилар ўртасида биринчи чемпионати ўтказишни ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўйган, — деди республика бокс федерациясининг раиси, Ўзбекистон ижтимоий таъминот вазири Баҳодир Умрзоқов. — Ҳозир мураккаб даврда яшаяпмиз. Шу боисдан кўп спортчилар турли сабабларга кўра ўз имкониятларини рўёбга чиқармай, боксни ташлаб кетмоқда. Бокс фахрийларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қодир бўлган махсус жамғарма ҳам йўқ. Сўнгги йилларда бокс соҳасига ёшларнинг кириб келиши анча камайгани айниқса ачинарлидир. Назаримда, бокс мард кишилар шуғулланадиган спорт.

Э. Абдураҳмонов, Р. Тўлаганов, Ф. Бакиров, Ф. Арслонов, М. Китобов ва И. Парпиев олти хил вазн тоифасида Ўзбекистоннинг биринчи профессионал чемпиони бўлдилар. Ғолибларнинг ҳаммасига «олтин» камар берилди, улар пул мукофотлари ва ҳомийларнинг махсус совғалари билан тақдирланди.

(ЎзА мухбири).

*Шу азиз Ватан дилбандлари*

## АЗ-ЗАМАХШАРИЙНИНГ «ОЛТИН ШОДАЛАРИ»

Бундан роппа-роса 920 йил аввал, айни шу баҳорий кунларда улуғ боболаримиздан аз-Замахшарий таваллуд топган. Шуури ва пешона тери билан у бизга бебаҳо маънавий неъматлар қолдирган.

Аз-Замахшарийнинг олтмишдан ортиқ асарлари ичида «Атвоқу — з-заҳаб» («Олтин шодалари») алоҳида ўрин тутади. Аммо бу асарида инсоний камолот йўлини тадқиқ этган. Асар юз боб мақоладан иборат. Ўз вақтида у шарқ ва ғарб тилларига таржима қилинган.

Келинг, дўстлар, Наврўз шодиёналаридан нафас ростлаган дамларда аз-Замахшарий ўгитларига қулоқ тутайлик.

### БИРИНЧИ МАҚОЛА

Кишининг қадрини дину диёнати ва илмий маърифати ошириб қўйса, унинг фақирлиги ва етимлиги буни туширолмайди. Шунингдек, кимда ким ёмон сифатлари ва нодонлиги туфайли қадрини туширган бўлса, ҳеч вақт бойлик ёки насллилик билан уни тиклай олмайди.

Инсоннинг асл отаси — бу унинг адабидир. Адаб бебош фарзанд учун отадин ҳам яхши тарбиячи. Парҳезкорлик эса инсоннинг асл онасидир. У онадан ҳам дилкашроқ.

Ўзингни шу икки меҳрибон мураббий бағрига топшир ва улардан зинҳор айрилма. Шундагина сени Тангри Таоло ўзининг неъматлари билан сероб қилур ҳамда ҳаётингни файзу баракотли этур.

### ИККИНЧИ МАҚОЛА

Эй, одамзот, аслинг лой сополдан бўлишига қарамай гоҳ ота-боболаринг, гоҳида бойлигу иқболинг билан фахрланиб такаббурланасан-а?! Аждодларингга қувониб ўзгаларни менсимай юришинг сенга лойиқ сифатлардан эмас.

Дўстим, ўзинг фикр қил. Охирги уловинг ёғоч от ва вужудинг тупроққа айланадиган бўлганидан кейин ҳовурингдан сал тушгин ва кибру ҳаводан узоқроқ юргин-да!

### УЧИНЧИ МАҚОЛА

Умринг елдек ўтмоқда. Сен яна неча аср яшамоқчисан? Бу ўткинчи сояга ишониш калта фикрликдан ҳосил бўладиган гумроҳликдир. Зеро, умр бир куннинг ёруғлигичадирки, уни ғанимат билмоқ бир туннинг қоронғулигичадирки, уни бедорлик билан ўтказмоқ керак.

Бинобарин, сен отини қамчилаб то сўлим манзилга етиб бормагунча ҳаракатдан тўхтамайдиганларга эргашгин.

### ТЎРТИНЧИ МАҚОЛА

Эй, ўзини баланд олиб, гердайиб юрадиган, кибрдан димоғи шишган ўзгаларга ҳақорат назари билан беписанд қарайдиган, узун кўйлакли, билмайсанки, узун этакли кийим кийиш савобми ва ёки гуноҳ. Ваҳоланки, кибр қилиб этакни ерга текизиб юриш катта гуноҳдир.

Эй, нодон, сен каби мутакаббирларга лаънатлар бўлсин. Мендан не учун деб сўра. Сен этагинг билан қанча ерни супурган бўлсанг, ўша супуриндилар яқинда устингга ёпирилиб келгай ва юк бўлиб сенинг босганингдан-да сени қаттиқроқ босгай.

### БЕШИНЧИ МАҚОЛА

Эй, биродар, қани у ота-оналару қариндош-уруғлар? Қалин дўстлару узоқ-яқин қўшнилар? Қани у бирга ўтиришган, суҳбат қуришганлар, бирга ҳамкорлик қилишганлар? Бир-биримиздан илму ҳикмат ўрганишганлар?

Ҳаммасини яратганнинг ўзи вужуд боғидан яна одам саҳросига жўнатди. Элу юрт улардан ҳоли қолди, гўё улар асло дунёга келмагандек. Қулоғига гап кирадиган ва ғафлат уйқусидан уйғонувчи одам учун уларнинг тақдири катта ибрат ва танбеҳдир.

### ОЛТИНЧИ МАҚОЛА

Бу қандай товушки, худди туянинг букиришига ўхшар? Бу қандай чинқирикки, у билан қулоғи кар одамга мурожаат қилинар эди?

Агар сен бидъатга ва риёга эмас, суннатга эргашувчи бўлсанг ва қилаётган ишингни диллардаги яширин гаплардан, нафсу ҳаво васвасаларидан ҳам огоҳ бўлмиш. Ҳакиму Дононнинг ризоси учун қилаётган бўлсанг, у ҳақда жар солишингнинг ҳожати йўқ. Аксинча яшир уни. Дуони ҳам ошкор қилмай хатм қил. Туяларнинг яхшиси камбақироғи ва ювоши бўлганидек, рисола ва шаробнинг ҳам муҳрлаб қўйилгани афзалдир.

Нашрга тайёрлаган: Абдулазиз МАНСУР.

*Қанотли хабар*

## ҒАЛАБА КУНИГА — ҒАЛАБА МАЙДОНИ

Наманган шаҳрининг марказида Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида янги Ғалаба майдони вужудга келади. Наврўз арафасида бу ерда ишлар яна қизиб кетди. У вилоят марказининг энг чиройли масканларидан бирига, халқ сайиллари ўтказиладиган жойга айланади.

Мангу олов ёнида қад кўтарадиган хайкал янги майдоннинг асосий безаги бўлади. Вилоят маркази аҳолиси иккинчи жаҳон уруши майдонларида ҳалок бўлган юртдошлари хотираси учун бу ёдгорлик пойига гуллар қўядилар. Фахрийлар ҳам Буюк Ғалаба санаси нишонланадиган кунларда шу ерда тўпланадилар.

## БОЙЧЕЧАК

*Кўклам дарақчиси*

*Баҳорнинг биринчи элчиси — бу гул,*
*Ошуфта дилларга қувонч солгай ул.*
*Йўқ, уни юлқилаб — узмагил беҳуд,*
*Чин ошиқ эрсанг гар кафтинг узра тут!*
*Елларнинг тўлқини атрофида маст,*
*Чунончи, баҳорни кўтариб у даст —*
*Анвойи рангларга ранг қўшар чунон,*
*Кўзларга тўтиё айлайлик бу он!..*

Иншоолло, гап нимада эканлигини англаб олган бўлсангиз ажаб эмас. Баҳорнинг илк муждаси — БОЙ-ЧЕЧ-ЧАК бугун юракларимиз қатида юз очиб, турналарнинг «қур-ей, қур-ей» саси остида оҳиста солланади. Бу солланишда олам тароват, нигоҳлардан тошиб чиққулик латофат, ҳар қандай юракни ҳаприқтирадиган эҳтиросли сурур намоён. Болаликнинг баҳори — БОЙЧЕЧАК!

*Бойчечагим бойланди,*
*Бойчечагим бойланди...*

Мана, қўлимда мўъжазгина «сариқ ранг кўйлакли» бойчечак... Уни қайта-қайта ўпиб, кўзларимга суртаман. Мўъжиза! Бу гул беихтиёр болалигимнинг қайтмас ва бетакрор оламига етаклаб кетади:

*Бойчечагим бойланди,*
*Қозон тўла айронди...*

Эсимда, эллигинчи йилларнинг бошларида қирларда ялангоёқ чопиб, кўкламнинг илк кунларида «ўз баҳоримизни» топишга интиқ-интизор эдик. Сой бўйларида, адирликларда, қишлоғимизнинг кунгай этакларида болалигимиз хивич от чоптириб кезинарди. Ўша лаҳзаларнинг сувратини ўчмас қилиб юракка чизиб қўйганмиз. О, болалик! Беназир болалик!

Унгирларда, пастқам ерларда, баъзи ковакларда ола чалпоқ қор. Кунгайларда эса баҳор кафтини ишқалайди. Бир пайтнинг ўзида йилнинг иккита фасли болалик билан юзма-юз! О, болалик!!

— БОЙЧЕЧАК! Ура, бойчечак!

Тенгдошларимнинг қувончи ичига сиғмайди. Ҳаммамиз бойчечакни ногаҳон кўриб қолган ўртоғимизнинг қошига югурамиз. Мўъжаз гул — БОЙЧЕЧАКни талашиб-тортишиб, бир-бир кафтларимиз орасига олгимиз келади...

Бойчечакни худди оловни кафтда тутгандай ўзимиз озор чексак ҳам унга озор етказмасдан уйга томон чопганларимиз ҳалиҳануз эсимда! Ўшанда уйдагилардан — катталардан суюнчи олиш пайида етти иқлимга жар солиб қичқирардик:

Бойчечак! Бойчечак! Суюнчи беринг, бой-че-чак!!!

Момоларимиз ёҳуд боболаримиз ё бўлмаса онажону опаларимиз бизларга яхши кунларга асраб юрган қанд-курсними ё туршакми, хуллас бирон-бир ширинлик бериб, биз келтирган мўъжиза гул — бойчечакни кўзларига суртар, ўпар — элимизга фақат омонлик ва эзгулик тилашарди...

Биринчи бойчечак Сизга муборак бўлсин, азизлар!!!

Абдулла ТУРДИ, шоир.

Бош муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ

Туркистон
TURKISTAN

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан «Ёш ленинчи» номи билан чиқа бошлаган

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси

Буюртма Г. —— 0106
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41

22006 нусхада босилди, ҳажми —— 2 табоқ.
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти ——21.00

1 2 3 4 5 6